

О.МАДАЕВ  
Т.СОБИТОВА



ХАЛҚ ОҒЗАКИ  
ШОӘГИК ИЖОДИ

**Тақризчилар:**

филология фанлари доктори, профессор *Х. Болтабаев*,  
филология фанлари номзоди, доцент *Н. Бекмирзаев*,  
филология фанлари номзоди *Г. Рихсиеева*,  
филология фанлари номзоди *Н. Дүстхұжаева*

**М14**  
**Мадаев Омонилла, Собитова Тожихон.**  
Халқ оғзаки поэтик ижоди.—Т.: «Шарқ», 2001.—  
208 б.

Л. Муалифдош.

Мазкур дарсликда ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг ўзига хос ҳусусиятлари, тарихи, жанрлари, айрим асарлари, маросимлари, халқ баҳшиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, китобда халқ оғзаки поэтик ижодидан намуналар киритилган.

ББК 83.3Уз

© «Шарқ» нашриёт-матбая акция  
Бош таҳрирнити, 2001.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳтирияти, 2001

## КИРИШ

Ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш Республика-миздаги ҳамма Академик лицей ва касб-хунар колледжлари талабаларига бежиз тавсия этилмаяпты. Халқимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзбекона урф-одатлар, расм-руслар, асрлар давомида яратилган достонлар, эртаклар, қўшиқлар ҳақида алоҳида гурур билан гапирила бошланди. Ҳар бир инсон бирон соҳанинг мутахассиси бўлишдан ташқари ўз халқининг фарзанди бўлмоғи лозим. Яқин ўтмишда алла билмайдиган келинларни, достон эшитмаган йигитларни ёки асқия айтиб кўнгил чигилларини ёзмаган ўзбекларни учратиш мушкул бўлган. Афсуски, эндилиқда бирон одамни мақтайдиган бўлсан, алла айта олишини, силлиқ сўзлашини, асқияда қатнашишини фазилат қилиб кўрсатамиз. Демак, бугунги кунда ўзбек қадриялари булоғидан сувичган, ўзбекона муомалани бутун қалбига сингдирган, тўйларда, азаларда, ишбошилик қиласидиган, муросаси келишмаган тарафлар ўртасини тотувлаштирадиган ўзбеклар бироз камайиб қолибди-да. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб Академик лицейларда ва касб-хунар колледжларида халқимиз оғзаки ижодини алоҳида санъят тури сифатида ўрганиш маъқул топилди.

«Алпомиш» достонининг минг йиллигига бағишлиган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов шундай деган эди: «Алпомиш» — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва тантаналык мактабаларни түзуде көрсөткөн, оларни талаблаштырудан кийин оларни талаблаштырунда да маълум толиди.

Ана шу фикрнинг ўзида оғзаки ижодимизни нима учун ўрганамиз, деган саволга жавоб берилган. Халқ урф-одатларини билмай туриб, ўзбекман, дейиш мумкин эмас. Ўзбек миллатига мансуб инсоннинг ўзбекман дейишга ҳаққи йўқ экан, у одам халқининг юзига

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига багишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 9 ноябрь.

оёқ қўйган, ота-боболари ҳурматини ҳақоратлаган ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрта маълумот берувчи таълим тизимида халқ оғзаки ижодини алоҳида ўрганиш биринчи марта амалга оширилмоқда. Шу пайтгача умумий ўрта таълим мактабларида ҳам оғзаки ижод асарлари ўрганилган ва ўрганилмоқда.

Аммо Академик лицей ва касб-хунар коллажларида халқ қадриятлари хазинаси ҳисобланган оғзаки ижодга жорий ўқув йили босқичида алоҳида-алоҳида соатлар ажратилди. Бу билан давлатимиз ҳар бир келажак авлоднинг ўтмишни мукаммалроқ билиши ва идрок қилиши учун замин тайёрлади. Кейинги йилларда қабул қилинган давлат ҳужжатларига назар ташлар эканмиз, ўзбек халқи вакиленинг миллий фурурини шакллантиришга алоҳида эътибор берилганини сезамиз. Ўйлаймизки, халқ оғзаки ижодини ўрганиш Академик лицей ва касб-хунар коллажи талабаларининг миллий фурурини пайдо қилувчи асосий омиллардан бўлиб қолади. Ўз фикримизни далиллаш учун айрим мисолларга мурожаат қиласми.

Дунёда бадий жиҳатдан мукаммал, ҳажм жиҳатдан катта асарлар яратган халқлар бор, аммо қўп эмас. «Манас», «Колевала», «Нартлар» шулар жумласидандир. Ўзбек халқи ўзининг «Алпомиши», Гўрўғли ҳақидағи достонлари билан дунёдаги ана шундай кам сонли халқлар қаторидан муносиб ўрин олган. Маълумки, битта халқ мақолида олам-олам маъно сингдирилган бўлади. Шунинг учун баъзан битта халқ мақолининг яратилиши учун асрлар давомида халқ ижод билан шугулашибга мажбур бўлади. 1074 йилда ёзиб туталланган Махмуд Кошфарийнинг «Девону луготит турк» асарида икки юз олтмишдан ортиқ мақоллар келтирилган. Гулханий ўзининг «Зарбулмасал»ида эса 400 га яқин халқ дурдонларини Бойўғли билан Япалоққушнинг куда бўлиш воқеасига сингдириб юборади. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур асарларида ўнлаб мақолларни учратамиз. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт илмий текшириш институти фольклор бўлими ходимлари томонидан 1987, 1988 йилларда эълон қилинган мақоллар тўпламида ўн уч мингдан ортиқ мақоллардан намуналар ўрин олган. Халқимиз орасида ҳозирги кунгача яшаб келаётган минглаб қўшиқларни, топишмокларни, латифаларни, юзлаб эртакларни айтмайсизми?! Биз ана

шундай ижодкор халқнинг авлодимиз. Бинобарин, ҳар бир ўзбек қизи ва йигити ўзаро муомалада бўлар экан, ана шундай буюк халқнинг фарзанди эканлигини унугласлиги лозим. Арзимаган буюм, бойлик, нарса, ҳирс учун ўз фурурини оёқ ости қилиш ўзбек халқидек юксак даражадаги маънавий бойлик меросхўрининг табиатига хос эмаслигини ҳис қилиши лозим. Аслини олганда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», дер эканмиз, аждодларимизнинг бебаҳо маданий меросига бўлган муносабатимиз самимий тарзда ўз ифодасини топади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумотга эта бўлиш Имом ал-Бухорий, Мансур Мотирудий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғilonий каби жаҳон тан олган алломаларнинг меросхўри бўлишимиз учун амалий талабдир.

Шундай қилиб, Академик лицейлар ва касб-хунар коллажларида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида алоҳида мукаммал маълумот беришнинг бош мазсади мазкур ўқув муассасаси талабаларини ўзбекона қадриятлар руҳида тарбиялашга муносаб ҳисса қўшишдир. Халқимиз яратган достонлар, эртаклар, қўшиқлар ва бошқа жанрлар юзасидан маълумот ҳосил қилиш, улар ҳақида мустақил фикрни шакллантириш ўзбек халқ оғзаки ижоди фанининг вазифалари ҳисобланади.

Китобнинг дарслек қисмини доцент Омонилла Мадаев ёзган, мажмуа қисми доцент Тожихон Собитова томонидан тузилган.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ ДАВЛАТ МАҚОМИДА

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинди. Юртимиздаги бу ижобий ва ўнлаб йиллар давомида кутилган янгилик бутун ўзбек халқини мамнун этди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлат ўтмиш маданий меросимизни қайтадан тиклаш, одамларнинг қалбида тутқунликда ётган қадриятларга кенг йўл очиш сиёсатини амалга ошириди. Ҳар бир тадбир ўзининг амалий ечимига эга бўлиши билан бирга халққа озодлик шабадасини етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда амалга оширилди. Миллат ўтмиши ва келажаги ҳақидаги мулоҳазалар, аждодларимиз кашфиётларидан ҳосил бўлган фурур туйгуси ўзбекнинг қалбидан ўрин ола бошлиди: дин, маданий мерос, қадриятлар, миллий фурур ҳақида ҳадисира-май, баралла мулоҳаза юритиш имкони яратилди.

Аслида, ўзбекларнинг дунёда илғор маданиятга эга бўлган халқ эканлигини тасдиқловчи фикрлар мустақид тузумда ҳам айтилган эди. Аммо бундай ҳур гапларнинг муаллифлари қатаюн қилингандилар. Уларнинг кўпчилиги — Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Отажон Ҳошим ва бошқалар отилди. Айримлари — Усмон Но-сири, кейинчалик Миртемир, Саид Аҳмад, Мақсуд Шайхзода кабилар узоқ муддатга қамоқ жазосига тортилдилар. Аммо эркинликни, ўтмишдаги халқ алломаларининг кашфиётларини тарғиб этувчи асарлар тизими тўхтаб қолмади. 60—70-йиллар адабиётимизда ўтмиш ижодкорлар сифатида шеърият майдонига кириб келган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирлар «Ўзбегим», «Ўзбекистон» каби лирик асарлар яратдиларки, бу даврда яшаган юртдошларимиз Ўзбекистон қадимдан илм-маърифат, кашфиётлар ва қадриятлар юрти эканига комил ишонч билдира бошлидилар. Шунингдек, 50-йиллардан Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Парсо Шамс, Солиҳ Муталлибов, Ҳоди Зариф каби таниқли зиёлилар турли сабаб ва баҳоналар билан Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит турк», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадгу билиг», Навоийнинг «Ҳамса», Бобурнинг «Бобурнома» каби бир қатор асарларини нашрга тайёрладилар ва чоп этдилар. Қизиги шундаки, бизнинг олимларимиз мұмтоз адабиёт намуналаридағи собиқ совет тузуми сиёсатига мос келмайдиган ўринларни кескин танқид қилишар, бойлар ва

йўқсиллар маданияти ҳақида турли гапларни топишар, аммо асарларни тўлиқ нашр қилиш ниятларига ҳам эришар эдилар.

Табиийки: «Собиқ совет тузуми даврида бевосита халқ орасида ҳукмрон сиёсатни танқид қилувчи халқ оғзаки ижоди асарлари яратилмадими?» — деган савол туғилади. Гап шундаки, халқ оғзаки ижоди асарлари ёзб олинмаса, уларнинг оммалашуви учун шароит түғдирилмаса, кўпинча вақт ўтиши билан бу асарлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади: айтувчининг ёдидан кўтарилади, у вафот этади ва ҳоказо. Уларни ёзб олиш эса ҳамиша ҳам амалга ошавермайди. Бугунги кунда фақат ўша пайтларда диний мавзудаги ривоят, афсоналарнинг мавжудлигини ва оғзаки хотираларда ана шундай йўналишдаги асарлар бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Жумладан, ўз пайтида О.Ҳошим томонидан ёзб олинган қўшиқларда колхоз тузумига, ҳамма экин майдонларига фақат пахта экиш сиёсатига салбий муносабат билдирилган қўшиқлар борлиги ҳақидаги хотиралар мавжуд ҳолос. Афсуски, турли сабаблар билан бу ёзувлар йўқолган.

Юқорида юртимиз мустақил деб эълон қилинмасдан ҳам халқ қадриятларини тиклашга уринишлар бўлганини айтган эдик. Улардан бири сифатида 1990 йилда давлат томонидан Наврӯз байрамини умумхалқ байрами деб эълон қилинганини, бу кун дам олиш куни деб белгиланганини ва щу йили Наврӯз тантаналари катта тайёргарлик билан ўtkazilgанини кўrsatib ўтиш мумкин. Аммо бари бир 1991 йилда Ватанимизнинг мустақил деб эълон қилиниши ва ўнлаб мамлакатлар томонидан бу мустақилликнинг тан олиниши ўтмиш қадриятларимизга бўлган муносабатда янги давр очди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асаридағи «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб аталган бўлимда: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади», — дейилган. «Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларига содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик<sup>1</sup> — деб белгилаб кўйилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 56-бет.

Мазкур бўлимнинг давомида: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»<sup>1</sup>, — деб кўрсатиб ўтилади. Юртимизда Академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари иш бошлар экан, талабаларга фан ва хунар асосларини ўргатиш билан бирга уларнинг «...маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш» ҳам муҳим маърифий жараён ҳисобланади. Маънавий руҳ халқ қадриятларини қадам-бақадам ўзлаштиришда намоён бўлади. Халқ оғзаки ижоди эса асрлар давомида қадриятларимизнинг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун Академик лицейлар ва касб-хунар коллажларида ўзбек халқ оғзаки ижодини алоҳида фан сифатида ўқитила бошлашни оғзаки ижодимизга ва қадриятларимизга давлат мақомини бериш билан тенг тадбир сифатида таъкидлаш мумкинdir. «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор бериш керак»<sup>2</sup>, — дейилади бу асарда. Бу мулоҳазадаги алоҳида эътибор қилишимиз лозим бўлган фикр маънавий бойликларимизнинг, шу жумладан, халқимиз асрлар бўйи яратган оғзаки ижодимизнинг бошқа халқларнидан фарқли жиҳатларни тиклашга қаратилишидир. Маълумки, халқ достонларимизнинг ижросида минг йиллик анъаналар сингдирилган. Айниқса, Самарқанд достончилигидағи бахшининг дўмбира жўрлигига достон айтиш усули, шеърий парчаларни бўғизда қуилаши Осиё қитъаси шимолидаги шаманлар ижросига ҳамоҳанглиги билан диққатни жалб қиласи. Шаманлар фаолияти эса минглаб йиллар билан ўлчанади. Демак, ўзбекларда ҳам узоқ-узоқ даврлардан бўён давом этиб келаётган санъат намуналари белгилари сақланиб қолган экан. Шу билан бирга, халқимизда асқия, ёр-ёр, ўлан айтиш каби сўз санъати билан боғлиқ дурдонларимиз борки, уларни қайта тиклаш, халққа қайтариш биз—ўзбекларнинг ўзбеклигини таъкидлаш, миллий руҳимизни ривожлантириш билан алоқадордир. Миллий руҳни шакллантирмай, ривожлантирмай, миллий мафкура ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Яна шуни таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўладики, маданиятимизнинг ўзига хослигини тиклаш режаси бевосита байроғимиз, гербимиз, мадҳиямизни халқ ноиблари томонидан тасдиқланиши

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 60-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 62-бет.

билан бошланди. Байроғимиздаги ҳаётбахш ранглар, ой ва юлдузлар; гербимиздаги ҳумоқи, Аму ва Сирдарёлару буғдој ва пахта тасвирлари, мадҳиямиздаги «Авлодлар мардона руҳи сенга ёр» каби мисраларда айнан биз — ўзбекларнинг табиати, аждодлар хотираси, келаҷакка умидимиз ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси: «Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи, унинг ўта меҳрибонлиги ва соғ вижданлигига асослангандир». Айни чоқда: «Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қиливчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».<sup>1</sup>

Ўзбекистон давлати ва Президентимиз Ислом Каримов ёш авлод тарбиясига мустақиллигимизнинг дастлабки қунларидан алоҳида диққат ва эътибор билан қараб келмоқда.

«Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида таянч нуқта сифатида айтилган фикр ва мулоҳазалар кейинчалик — 1997 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги юртбошимиз нутқида яна ривожлантирилди. Бу нутқда миллий қадриятларга давлатимиз томонидан нима учун бу қадар катта аҳамият бериладиганини асословчи иқтибос келтирилган. Мазкур иқтибос Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М. Скоболев гапидан олинган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди».

Ҳақиқатан ҳам, М. Скоболев қўлидан келган ҳаракатни қилиб кетди. Ундан кейин бу ҳаракат собиқ совет тузуми томонидан давом эттирилди. Табиийки, 120—130 йил давомида келтирилган зарарни 5—10 йилда бартараф қилиш мумкин эмас. Шунинг учун Академик лицей ва касб-хунар коллажининг талабаси халқ оғзаки ижодини, миллий маданиятимиз асосларини, она тилимиз имкониятларини қанчалар тез ўзлаштируса, мустақиллигимизни кўра олмайдиган одамларга қарши шу қадар қақшатқич зарба берган бўлади. Ва, аксинча, халқимиз ўтмишига лоқайдлик билан қараш душманларимиз тегирмонига сув қуиши билан баробардир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов қайта-қайта буюк маъ-

<sup>1</sup> Ўша асар. 66-бет.

навиятимизни тиклаш, миллий анъаналарга қадриятларимиз асоси сифатида муносабатда бўлиш заруратини қайд этадилар. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар» алоҳида бўлим сифатида тасдиқланди. Ўнда ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши таъкидланади. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодини алоҳида фан сифатида ўқитилиши ана шу вазифани ижобий ҳал қилишга ҳам самарали таъсир кўрсатади.

«Тафаккур» журналининг 1998 йил 2-сонида Президент Ислом Каримовнинг журнал бош муҳаррири саволларига берган жавоблари эълон қилинди. Аввало айтиш керакки, бу жавобларнинг бутун моҳиятидан юртбошимизнинг халқ ва мамлакат келажагини ўтмиш қадриятларисиз тасаввур қиласлиги кўриниб турибди. Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳар бир тадбирда ўтмиш маданиятимиз, миллий анъаналаримиз пойдевор вазифасини ўтамоқда. Мазкур тушунча савол-жавобда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топганилиги билан эътиборни жалб қиласди.

Хусусан, юртбошимиз миллий гоя, миллий мафкура масаласига тўхталар экан, биринчи навбатда яна ўтмиш ҳақида гапиради: «Миллий мафкура, аввалимбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйгуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт»,<sup>1</sup> – дейилади савол-жавобнинг «Мафкура ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир» қисмида. Эътибор берсак, бу ўринда ҳам маълум даражада халқимиз оғзаки ижоди юзасидан фикр билдирилмоқда. Чунки халқ ўз авлодига инсоният тарихидаги энг ибратли фазилатлар мерос бўлишини орзу қилган. «Алпомиш», Гўрўғли туркуми достонларида шахс ғурури, ватанга муҳаббат, элга хизмат қилиш истаги етакчи гоя даражасида илгари сурилади. Бу асарларда ватанга хиёнат қилгандан кўра ўлимни афзал кўрган Равшан, бутун ҳаракатини парчаланган

<sup>1</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни—халқ, миллатни—миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998. 2-сон, 8-бет.

юртни бирлаштиришга бағишилаган Алпомиш, ўз юртни ички ва ташки душмандан ҳимоя қилган Гўрўғли каби эл ботирлари мадҳ этилади. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, ўзбекнинг бутун фазилати, фалсафаси, дунё-қарashi, турли ҳаётий вазиятларга муносабати унинг мақолларида акс этгандир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг илм-хунарга, оиласа, меҳнатга, номардликка, аҳилликка бўлган муносабатини билиш учун унинг мақоллари билан танишиш кифоядир. Улардан ўқувчи ўзбек учун ватан, халқ, она, илм, фурур нақадар муқаддас тушунчалар эканлигини англаб етади. Президентимиз Ислом Каримов ҳам халқ мақолларининг таъсир кучидан, ҳажм жиҳатдан кичик мазмунан серкўлам фазилатидан ҳар бир чиқишиларида, саволларга жавоб беришда, мақола ва китобларида унумли фойдаланади.

Юртбошимиз нутқларида ва асарларида «Ватанни севмоқ иймондандир», «миллий ўзлик», «халқ бошига тушган хавф», «мудҳиш воқеалар олдида ҳолва бўлиб қолиш», «чаламуллалар», «ишимиз битса—бўлгани» каби ўнлаб мақол, мatal, ибора ва кўпроқ жонли сухбатга хос сўзларнинг кўлланганлиги фикримиз далилидир.

Хуллас, халқ оғзаки ижодига оид достон, эртак, кўшиқ, мақол ва бошқа жанрларда илгари сурилган гоялар асрлар давомида халқнинг ёш фарзандни тарбиялаш воситаси бўлиб келган. Бугунги кунда миллий мафкурамизни шакллантириш ва ривожлантиришда ўзбек фольклори намуналари муносаб ўринга эгадир. Шунинг учун ҳам оғзаки ижодга халқ қадриятларининг таркибий қисми сифатида муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди нима учун халқ қадриятларининг таркибий қисми ҳисобланади?
2. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқ оғзаки ижоди ва қадриятларига бўлган муносабат давлат мақоми даражасига кўтарилигани ҳақида сўзланади.
3. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг миллий қадриятлар ҳақида билдирган фикрларини айтиб беринг.
4. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг нутқ ва мақолаларидан халқ мақолларини топинг, уларнинг Президент мулоҳазаларини ифодалашдаги ўрнини изоҳланг.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 5—66-бетлар.

2. Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ» нашириёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.

3. Каримов И. А. «Халқ сўзи» газетаси, 1999, 9 ноябрь, 1-саҳифа.

4. Каримов И. А. Жамиятимиз мағкураси халқни—халқ, миллатни—миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали Бош мухаррирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон». 1998.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон дунёда пайдо бўлганидан бўён ўзаро ҳамкорликда яшашга, бир-бири билан муносабатда бўлишга интилган. Чунки ўзаро ҳамкорлик уни турли табиий оғатлардан сақлаган, турмуш қийинчиликларини бартараф қилиш йўлларини кўрсатган. Дунёдаги энг қадимий китоблардан бири «Авесто» ҳисобланади. Олимларнинг аниқлашиба, ана шу қадимги ёзма ёдгорликларнинг яратилишида ҳам бизнинг аждодларимиз иштирок этганлар. Бу китобда оламнинг пайдо бўлиши, ёргулек ва зулматнинг ўзаро курашлари қадим аждодларимиз тасаввурнида ўз ифодасини топган. Ахура-мазда (Хурмуз), Ангра Маню (Ахриман) инсон тафаккури яратган биринчи тимсоллар ҳисобланади. Бадиий адабиётдаги минглаб йиллар давомида ижод қилинган образларнинг дастлабки намунаси Ҳурмуз ва Ахриманда мужассамланган эди. Шубҳасиз, халқимиз оғзаки ижодидан кенг ўрин олган «Алпомиши», Гўрўғли каби ботирлар, Муқбил тошотар, Озодачехра каби халқ вакиллари ҳам асар қаҳрамонларига айланар эканлар, қадим-қадим замонлардаги бадиий ижод таъсири ўз ҳукмини ўтказган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда завқ билан ўқилаётган, мароқ билан айтилаётган достон, эртак, кўшиқ, мақол, топишмоқ, афсона ва ривоят, асқия ва латифа, лоффлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрлари ҳисобланади. Халқимиз яратган ана шу маънавий бойликларимиз бутун ўзбек халқи маданий мероси, қадриятларининг таркибий қисмидир. Илмда халқ оғзаки ижоди фольклор атамаси билан юритилади. Бу атамини 1846 йилда инглиз олими Вильям Томс таклиф қилган эди. Фольклор деганда маълум миллатга мансуб, халқ томонидан асрлар давомида яратилган санъат намуналари: сўзаналар, халқ куйлари, рақслар ва бошқалар тушунилади.

Аммо фольклорнинг алоҳида соҳаси билан шуғулланувчи мутахассис эса кўпинча фольклор деганда ўзи

ўрганувчи соҳани назарда тутади. Жумладан, тасвирий санъатини ўрганадиган олим фольклор деганда, нақш санъатини назарда тутади. Хореограф эса халқ рақси-ни, мусиқашунос халқ куйларини, фольклоршунос эса халқ оғзаки ижодини назарда тутиб иш олиб боради.

Маълумки, ўрта умумтатлим мактабларида адабиётнинг икки асосий турга бўлинини ўрганилган. Уларнинг биринчисини илмий, иккинчисини бадиий адабиёт деб атайдилар. Бадиий адабиёт ўз навбатида икки йирик турга бўлинади: халқ оғзаки адабиёти (фольклор), ёзма адабиёт (индивидуал ижод). Халқ оғзаки ижоди деб аталган адабиёт ёзма адабиётдан бир неча ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Бу хусусиятлар кўйидагилардан иборат:

- 1) анъанавийлик;
- 2) оғзакилик ва импровизаторлик;
- 3) жамоалик ва оммавийлик;
- 4) вариантлилик ва версиялик;
- 5) анонимлик.

**Анъанавийлик.** Анъана деганда узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб одат тусига кирган тадбир ёки хусусият тушунилади. Халқ оғзаки ижодидаги анъанавийлик бир неча кўринишларда намоён бўлади.

Жумладан:

- а) фольклор асарларининг оғзаки тарзда яратилишида (бу ҳақда оғзакилик юзасидан фикр юритилганда маълумот берилади);
- б) оғзаки ижод асарларининг матнида;
- в) мазкур асрларнинг ижросида.

Халқ яратган асарларнинг матни жанрларга кўра узоқ муддат давомида доимий равища тақрорланиб турадиган қисмларга эга. Эртакларнинг бошланиши, якунланиши, халқ достонларидағи қаҳрамонларнинг от эгарлаши, пойгода қатнашиши, душман билан жанг олиб бориши каби лавҳалари асардан асарга ижрочининг ихтиёри ва маҳоратига кўра кўчиб ўтаверади. Ундан ташқари, достон ва эртакларда кўпинча тақрорланиб турадиган фарзандсизлик, фарзандга эга бўлиш, шартнинг бузилиши, сафарга чиқиш, турли тўсиқларни босиб ўтиш, тўй каби воқеалар ҳам анъанавийлика хосдир. Агар биз халқимиз яратган оғзаки ижод асарлари билан яхшироқ танишсак, эртакдаги сулув қиз юзининг ўн тўрт кунлик ойга ўхшатилганлигини, жаҳли чиққан қаҳрамонимиз мўйловида қирор пайдо бўлганлигини, ёки шу қаҳрамон бир оёғини дарёнинг